2009-yil 20-yanvar № 8 (2577) seshanba

Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Бизнинг тараққиёт йўлида олдинга юришимизнинг асосий таянчини шунда кўриш керакки – ҳаётимизнинг ўзгариб бориши билан инсон ўзгармоқда, одамларимизнинг ўзи, уларнинг дунёқараши, ҳаётга, ўз меҳнати натижасига муносабати ўзгариб, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, ижтимоий ва сиёсий фаоллиги, фуқаролик онги ва масъулияти кучайиб бормоқда.

Ислом КАРИМОВ

«Буйруғинг қани?» ✡ 2-бет

Очиғи, ҳозир мингта матбуот нашри бор. Вилоятда қанча мухбир юрибди. Уларнинг ҳар қайси ўз дарди, ташвиши билан овора. Тўғри, мен коллеж раҳбарларига рухсатимсиз бу масканга бирор кишини киритманглар деб топшириқ берганман. Эҳтимол, сиз ҳақиқий мухбир бўлишингиз мумкин.

Узоқнинг буғдойидан... ✡ 3-бет

У-ку четда ўз жонини сақлаб, корнини тўйғазиб юрибди. Бу ёқда бизнинг ҳолимиз танг. Ишсизман, қариндош-уруғлар, укаларим мадади билан тирикчилик ўтиб турибди. Бироқ қарз берганлар ҳар куни эшигимизни такиллатиб ҳоли жонимизга қўйишмаяпти...

«Қаҳрамонингни яхши кўришинг керак..» ✡ 4-бет



Мен кинорежиссёр сифатида нимага эришган бўлсам, ҳаммаси ватанимизга, халқимизга бўлган муҳаббатимнинг меваси. Чунки муҳаббат ёғдулари билан йўғрилган асарларгина юракларга кириб бориши мумкин.

Соғлом келажагимизнинг муҳим омили

Оқсаройда 16 январ куни Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди

Мамлакатимиз раҳбари мазкур йиғилишдан мақсад ўтган йил мобайнида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан амалга оширилган ишларни атрофлича таҳлил этишдан иборат эканини таъкидлади.

Болалар спорти соҳасидаги аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар фарзандларимизни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш имконини бермоқда. Бу эса жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ҳар томонлама ҳавасга лойиқ соғлом авлодни тарбиялаш келажагимизни таъминлашнинг муҳим омилидир. Шу боис мамлакатимизда жисмонан ва маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

— Спорт — соғлом авлод, соғлом келажак деганидир. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади, — деди Президентимиз.

Ҳомийлик кенгашининг аввалги йиғилишида маҳаллий корхоналарда тайёрланадиган спорт ускуна ва анжомлари, спорт кийимлари ва жиҳозларининг жаҳон андозалари талабларига тўла мос бўлишига эришиш, уларнинг сифатини баҳолайдиган махсус комиссия тузиш, спорт жиҳозлари ва кийимларининг доимий кўргазмасини ташкил этиш, болалар спорти мураббийлари, хусусан, хотин-қиз мураббийларни тайёрлаш самарадорлигини ошириш вазифалари белгиланган эди.

Йиғилишда ушбу вазифаларнинг ижроси атрофлича таҳлил қилинди. Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилди. 2003 йили мамлакатимизда 97 спорт иншооти қурилган бўлса, 2008 йили 186 спорт мажмуи бунёд этилди. Шундан 162 таси қишлоқларда қурилди.

Президентимизнинг 2007 йил 12 декабрда қабул қилинган «2008 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объектлари қурилишининг аниқ манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 2008 йилда қуриб битказилган спорт иншоотлари ва мактаб спорт заллари учун зарур спорт жиҳозлари рўйхати ишлаб чиқилди. Барча спорт иншоотлари зарур спорт анжомлари билан жиҳозланди. Кам таъминланган оилалар фарзандларига икки миллиард сўмликдан зиёд спорт кийимлари берилди. 2008 йилда қуриб битказилган спорт иншоотларининг 166 тасини мактаб спорт заллари ташкил этади. Улардан фойдаланиш самарадорлиги қандай? Йиғилишда ана шу масалалар атрофлича таҳлил қилинди.

(Давоми 2-бетда)

Йўл бўлсин, сингилжон?

Мактаб – коллеж – корхона

Озода Машарипова бу йил Элликқалъа қишлоқ хўжалик коллежини тамомлади. Тиришқоқ, талабчан, эпчил бу қизнинг иш топиши қийин кечмади. Унинг келажагига ишонган устозлари ўқув юртининг ўзидан иш таклиф этишди. Эндиликда у устозларидан ўрганган тикувчилик сирларини издошларига ўргатмоқда. Коллежнинг яна бир битирувчиси Гавҳар Эшжонова ҳам зукколиги, интилувчанлиги билан устозлар ҳурматини қозонганди. Ушбу ўқув юрти узоқ йиллик тарихга, бой тажрибага эга маскан. Нафақат Қорақалпоғистоннинг, қўшни Хоразм вилоятининг ҳам кўплаб жамоаларида ушбу ўқув юртининг собиқ талабаларини учратиш мумкин.

— Ўтган йили коллежимизни 6 мутахассислик бўйича 202 ўқувчи тамомлади, — дейди ўқув маскани директори Шуҳрат Бобоев. — Уларнинг 200 нафари иш билан таъминланди. Битирувчиларимизнинг 55 нафари қизлар эди. Биз уларнинг имкониятларига мос иш топишларига кўмаклашдик.

Шубҳасиз, коллеж битирувчиларининг тўла иш билан таъминланганлигида мутахассисликларнинг замон талабларига мос келиши билан бирга, меҳнат жамоалари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилганлиги ҳам сабаб. Коллежда ёшларнинг етарли билим олишлари, касб-ҳунар эгаллашлари учун барча шароитлар муҳайё. Ўз касбининг усталари бўлган ўқитувчи ва мураббийларнинг сабоқ бериши, замон ва давлат таълим стандартларига мос жиҳозланган фан хоналари, етарли китоб базасига эга ахборот ресурс маркази, кўплаб фан ва ҳунар, спорт тўгаракларининг фаолият кўрсатиши, барча қулайликларга эга ётоқхона талабалар хизматида эканлиги ва шу каби яна бир қатор жиҳатлар талабаларнинг яхши мутахассис бўлишларига хизмат қилади.

Тумандаги яна бир машҳур ўрта-махсус билим юрти, бу тиббиёт коллежидир. Азарбиби Бойимбетова ушбу коллежни ўтган йили тамомлаган 462 нафар битирувчининг бири. У эндиликда олган билимларини туман марказий шифохонаси болалар касалликлари бўлимида амалиётга татбиқ этмоқда.

— Мен эса шошилинч тиббий ёрдам марказига ишга жойлашдим, — дейди яна бир битирувчи Комила Абдуллаева.

Коллежда уч йўналишда: ҳамширалик иши, даволаш ва лаборатория диагностикаси бўйича мутахассислар тайёрланади. Ушбу соҳанинг айнан қизларбоплиги туфайли кўплаб ота-оналар фарзандларининг шу соҳани танлашларини истайдилар. Шунданми, битирувчиларнинг аксарияти, аниқроғи, 409 нафари қизлар.

Қўнғирот қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг тикувчилик ва ишлаб-чиқариш бўлими битирувчиси Раушаной Жуманиёзованинг ҳам иш топиши ончалик мушкул кечмади. Туманда «Қўнғирот брезент» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши Раушаной каби юздан зиёд ёшларнинг муқим иш ўринларига эга бўлишига сабаб бўлди. Раушаной энди тикувчи. Аллақачон жамоасида обрў қозониб улгурган ёш мутахассис ўз иқтисодий имкониятларини ҳам мустаҳкамлаш имконига эга бўлмоқда.

Тумандаги саноат касб-ҳунар коллежининг ўнлаб битирувчилари Қўнғирот сода заводида иш бошладилар. Умуман, Қорақалпоғистонда бугунги кунда 96 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатиб, уларнинг 7 таси тиббиётга, биттаси маданиятга йўналтирилгандир. 10 таси эса янгидан иш бошлади. Коллежларни ўтган йил 20604 нафар ёшлар замонавий мутахассисликлар бўйича тамомлади. Уларнинг 1249 нафари мамлакатимизнинг турли олий ўқув юртларида етук мутахассис бўлиш йўлида изланишда давом этмоқдалар. Битирувчиларнинг 18283 нафари эса эгаллаган мутахассисликлари бўйича иш билан таъминландилар. Уларнинг ўн мингга яқини қизлар.

— Республикамизда, айниқса, қизларни иш билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда, — дейди Қорақалпоғистон касб-ҳунар коллежлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Қозоқбой Хўжаниёзов. — Улар учун оғир бўлмаган шароитларга эга иш ўринлари яратилаётганлиги, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, тадбиркорликнинг кенг йўлга қўйилаётгани, Қорақалпоғистонга саноатнинг чуқур кириб келаётганлиги, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар ёш мутахассис қизларимизнинг ўзларига мос иш топишларида қўл келмоқда. Таълим-тарбия жараёнида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига қатъий риоя қилинаётганлиги мутахассисларни замон талабларига мос, билимдон кадр бўлишлари учун кенг имкон яратмоқда. Тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда эса уларни иш билан таъминлаш чоралари кўрилаётир. Биз касб-ҳунар коллежларига ўқишга кирган ёшлар, хусусан, қизлар учун ҳозирданоқ янги иш ўринлари яратиш юзасидан бандликка кўмаклашувчи марказлар ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамжиҳат режалар туза бошладик. Ишлаб чиқариш корхоналари энг чекка ҳудудларга ҳам кириб бораётганлиги, мутахассислар талаб ва эҳтиёжга қараб тайёрланаётганлиги бу борадаги муаммоларни ҳал қилишда асосий омил бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам фарзандлари касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган ота-оналарнинг улар келажагидан кўнгли тўқ.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги

Курортлар бошқармаси

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган «СЕМУРҒ», «ЗАНГИОТА», «ЧОТҚОЛ», «МАТЛУБОТЧИ» (Тошкент маъданли суви), «ХУМСОН» санаторийларига йўлланмалар сотади.

Бу сиз учун жуда қулай имконият.

Сизга сиҳат-саломатлик ва кўнгилли ҳордиқ тилаймиз! Мулоқот учун телефон: 256-85-68, 256-78-15

Хабарлар

Банк: танлов якунланди

2008 йил 31 октябрда Президентимизнинг «Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди. Яқинда ушбу танлов якунлари чиқарилди. Таъкидлаш жоизки, уни ўтказишдан мақсад — банкларнинг аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш борасидаги ҳаракатларини рағбатлантириш, банкларнинг инвестицион имкониятларини кенгайтириш учун уларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими, аҳолига кўрсатилаётган банк-молия хизматлари сифатини янада оширишдан иборат.

Танлов натижаларига асосан, еттита асосий, ўн битта қўшимча номинация бўйича ғолибларни тақдирлаш маросими Марказий банк, Республика банклар ассоциацияси, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатлаш жамғармаси, тижорат банкларининг раҳбарлари, банк тизими фахрийлари ва бошқалар иштирокида ассоциация биносида бўлиб ўтди.

Мазкур танлов энди ҳар йили ўтказилади.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Шажарани ўрганамиз

Ўзбекистон илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий архиви ташаббуси билан қадимий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, шажаравий изланиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаб олиш мақсадида мамлакатимизда илк бора «Ўтмиш ва ҳозирги замон шажарасини ўрганиш: муаммо ва истиқбол» мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди. Семинарни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директори А.Абдуллаев очиб берди.

Анжуманда республика архивчилари, ЎзФА шарқшунослик институти, Қарши ва Гулистон давлат университети, Ўзбекистон Миллий университети тарихчи олимлари ва талабалари ҳамда тиббиёт ходимлари иштирок этдилар.

Анжуманнинг илмий қийматини оширган жиҳат шундаки, мазкур мавзу мутахассислар иштирокида биринчи марта ўрганилмоқда. Жамоатчилик вакиллари ўртасида катта қизиқиш уйғотган тадбирни аньанага айлантиришга келишиб олинди. Ушбу соҳада фаолият юритаётган тарихчи ва тадқиқотчилар архивга таклиф билан мурожаат этишлари мумкинлиги таъкидланди.

Семинар сўнгида қатнашчиларга гувоҳномалар топширилди.

Мастура ҲОЖИМЕТОВА,
Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви директори

Икки минг киши ишли бўлди

Сирдарё вилоятида сервис хизмати кўрсатишни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳудудда йўлсозликнинг равнақ топиши соҳа ривожига катта улуш қўшаяпти. Ўтган йилда 169 та хизмат кўрсатиш шохобчаси бунёд этилди. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси маълумотига кўра, мазкур шохобчаларда икки мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилган. Уларда асосан коллежларни тамомлаган ёшлар меҳнат қилмоқда.

Ушбу шохобчалар шарофати билан вилоятда нақд пул тушуми ҳам тубдан яхшиланди. Автотранспортларга техник хизмат кўрсатиш миқдори ўтган йилларга нисбатан салкам 200 фоиз ошди. Вилоятда савдо, коммунал ва маиший хизмат, алоқа ҳамда ахборот хизматлари ҳажми ҳам анча ўсди.

Йил мобайнида кўрсатилган сервис хизматлари миқдори 198 миллиард сўмни ташкил этиб, соҳа ривожига йўналтирилган ҳудудий дастур 125 фоизга бажарилди.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Соғлом келажагимизнинг муҳим омили

(Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбари юртимизда ишлаб чиқарилаётган спорт жиҳозларининг сифат кўрсаткичларини баҳолайдиган ягона тизим яратилиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратди. Шу нуқтаи назардан 2008 йили спорт жиҳозлари ишлаб чиқарувчи дунёнинг бир қатор етакчи корхоналари билан ҳамкорликда доимий фаолият юритувчи кўргазма ташкил этилди.

Замонавий корхоналаримизда болалар учун сифатли спорт жиҳозлари ишлаб чиқариш имкониятлари чуқур ўрганилиб, спорт иншоотлари учун тавсия этиладиган энг қулай ва мақбул жиҳозлар каталоги яратилди. Болалар спорти объектларини жиҳозлаш учун зарур 120 хил инвентардан 118 хилини юртимизда тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Бу борада қилишимиз зарур бўлган ишлар ҳали кўп, — деди Президентимиз. — Жумладан, спорт анжомлари ишлаб чиқариш, мактаб спорт залларини жиҳозлаш нормативларини қайтадан кўриб чиқишимиз лозим. Мамлакатимизда спорт иншоотлари қуриш бўйича катта тажриба тўпланди, бошқача айтганда, яхлит тизим яратилди. Эндиги асосий вазифа ана шу иншоотларни жаҳон андозаларига мос равишда жиҳозлаш ва улардан самарали фойдаланишдан иборатдир.

Мамлакатимизда оммавий, шу жумладан, футзал, бадиий гимнастика сингари спорт турлари изчил ривожланмоқда. 2003 йилда болалар секциялар ва клубларда 8 спорт тури билан шуғулланган бўлса, эндиликда замонавий спорт мажмуаларининг жиҳозланиш даражаси спортнинг йигирмадан зиёд тури билан мунтазам шуғулланиш имконини бермоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги замонавий спорт иншоотларида, турли спорт секциялари ҳамда клубларида спорт билан шуғулланаётган ёшларнинг сони тобора ортмоқда. Бу борада Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Андижон, Тошкент вилоятидаги кўрсаткичлар эътиборга моликдир.

Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор халқаро спорт мусобақаларида баланд кўтарилаётган Ўзбекистон байроғи тимсолида ўз натижаларини намоён этмоқда.

2008 йил турли спорт анжуманларига, барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайдиган ғалабаларга бой йил бўлди. Жумладан, Пекинда бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида спортчиларимиз фаол қатнашиб, кескин курашларда битта олтин, иккита кумуш, учта бронза медални қўлга киритди.

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг Осиё чемпионати мусобақаларида муносиб иштирок этиб, 2009 йили Мисрда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритгани алоҳида эътирофга лойиқдир.

2008 йилда ўтган халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган 423 нафар ёш спортчимиз 17 олтин, 15 кумуш ва 15 бронза медални қўлга киритди.

Таҳлиллар ва эришилган натижалар шуни кўрсатадики, ёшларимиз орасида футбол, мини-футбол, стол тенниси, сузиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, академик эшкак эшиш, шахмат, бадиий гимнастика, кураш, белбоғли кураш, юнон-рум кураши, бокс, акробатика сингари спорт турларига қизиқиш тобора ортмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2008 йилда ўтказилган спорт тадбирларида қарийб бир миллион нафарга яқин ўғил-қиз қатнашди. «Ёшлар йили» Давлат дастурига мувофиқ ўтказилган «Соғлом оила» спорт мусобақаларида минглаб оилалар фаол иштирок этди.

Президентимиз қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ёндашувни талаб этажагини таъкидлади. Шу маънода кейинги йилларда спортнинг нафис тури ҳисобланган бадиий гимнастика ва спорт гимнастикаси жадал ривожланмоқда.

Юртбошимиз болалар спортини ривожлантириш, қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун айниқса, қишлоқларда тегишли шарт-шароит яратиш масаласи алоҳида эътибор қаратишни тақозо этишини таъкидлади.

— Келажак авлоднинг соғлом бўлиши аввало аёлга боғлиқ. Соғлом она — соғлом бола, соғлом бола — соғлом келажак, — деди Ислом Каримов. — Ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни вояга етказиш асосий вазифаларимиздандир.

Президентимиз жойлардаги мутасадди раҳбарлар мактабларда спортни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни самарали ҳал этиш давлат аҳамиятига молик масала эканини янада теранроқ англамоғи лозимлигини қайд этди.

Йиғилишда 2008 йилда Болалар спортини ривожлантириш дастурини бажаришда муайян камчиликларга ҳам йўл қўйилгани кўрсатиб ўтилди. Бу борада мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури доирасида жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам кўриб чиқилди.

Кўрилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири Б.Хўжаев, халқ таълими вазири F.Шоумаров, халқ таълими вазирининг ўринбосари — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори А.Очилов ва айрим вилоятлар ҳокимларининг ахбороти тингланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
ЎзА мухбири

Кун тартибида: меҳнат муҳофазаси

Яқинда «Ғарбгазтаъминот» унитар корхонасининг касаба уюшма қўмитасида меҳнат муҳофазаси бўйича семинар ўтказилди. Тадбирда корхонанинг Бухоро ва Навоий вилоятлари цех касаба уюшма қўмиталари раислари, меҳнат муҳофазаси вакиллари, фаоллари қатнашди. Асосий эътиборни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 4-қурултойи қарорлари ижросига қаратишди.

Семинарда корхона филиалларида хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, шикастланиш ва касб касалликларининг олдини олиш, меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси ҳамда вакилларининг ишини ташкил қилиш, бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва қайд этиш, касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини асослаш каби масалалар бўйича олимлар, соҳа мутахассислари чиқиш қилдилар.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Тажрибалар умумлаштирилди

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси IV Қурултойи қарорлари ва Ҳаракат Дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини доимий назоратга олган.

Яқинда фаоллар гуруҳи вилоятнинг Нишон, Қарши, Миришкор, Касби, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Косон, Ғузор, Муборак туманларида тармоқ кенгашлари, вакилликлари, бошланғич ташкилотларининг ташкилотчилик ва услубий ишларининг аҳволини батафсил ўрганиб чиқдилар.

Чуқур таҳлиллар асосида ўтказилган йиғилишларда эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар ҳам қайд этилди. Мавжуд муаммолар ечимини топиш тадбирлари белгиланди, орттирилган тажрибалар умумлаштирилди.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Юртимиз қадамжолари бўйлаб

Тошкент вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгаши томонидан тармоқ меҳнаткашларини ўтмишимизнинг бой маданий мероси билан таништириш мақсадида кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, тиббиёт соҳасида хизмат қилаётган ҳамда фахрий ходимларнинг тарихий шаҳарларга саёҳатлари уюштирилди.

— Кўп йиллик қадриятларимизни тиклашда ҳамда ишчи-хизматчиларимизни юртимиз қадамжоларига ҳурмат ҳиссида тарбиялаш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан, — дейди кенгаш бўлим мудири Жамолиддин Мусаев. — Шу боисдан ҳам Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари, Бўстонлиқ, Қибрай, Паркент, Пискент туманларидаги тиббиёт ходимлари Самарқанд, Бухоро шаҳарларида бўлиб, олам-олам таассуротлар билан қайтишди. Экскурсовод-гидлар, музей ходимлари билан бўлиб ўтган суҳбатлар саёҳатчиларимиз тасаввурларини ниҳоятда бойитди. Бундай тадбир вилоят кенгаши томонидан жорий йилда ҳам давом эттирилади.

А. НАЗАРОВ

Экологик экспертиза нима?



Бугунги кунда инсоният олдида оламни асраш-дек долзарб масала кўндаланг турибди. Зеро, дунёнинг қайси бир минтақасига қараманг, инсон ҳаёти учун катта хавф туғдираётган экологик муаммолар ўз ечимини кутиб турганига гувоҳ бўласиз. Бир вақтлар инсоният бошига қирғинбарот урушлар етади, деган гаплар энди орқага чекингандек, унинг ўрнига глобал миқёсда атроф-муҳитнинг ифлосланиши одамларни беихтиёр ҳушёр торттирмоқда. Бунинг сабаблари кўп: XX асрдаги илмий-техника инқилоби натижасида гуркираб ривожланган саноат, «совуқ уруш» шароитида айрим давлатларнинг кимёвий қуролланиши ва ядровий синовлар, қолаверса, ер ости ва ер устидаги табиий бойликларини тартибсиз равишда ўзлаштиришдир. Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бошлиғининг ўринбосари Тоҳиржон Тошбоев бу ҳақда шундай дейди:

— Айни пайтда давлатимиз олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат туфайли, шубҳасиз, ўзлигимизни таниш, сиёсий-иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ижтимоий ҳамда экологик муаммоларни ҳал қилиш имкониятлари вужудга келди. Бунга Президентимиз Ислом Каримовнинг 1993 йил сентябр ойида БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида сўзга чиқиб, жаҳон ҳамжамиятини Орол денгизи ҳавзасида юзага келган экологик хавфдан огоҳ этганини мисол қилиб келтириш мумкин. Ушанда Президентимиз атроф-муҳит тозалигини назорат қилиш, экологик фожиаларни бартараф этишда БМТнинг ролини кучайтириш лозимлиги ҳамда Ўзбекистон бу борада у билан доимо ҳамкорлик қилишга тайёрлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Она сайёра — қўриқхона

2000 йил 25 майда қабул қилинган «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонун фуқароларнинг экологик хавфсизликка бўлган конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қаратилган бўлиб, унда ушбу экспертизанинг асосий принциплари, ошкоралиги, экспертиза буюртмачисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари алоҳида моддаларда ёритилган. Шу ўринда савол туғилиши мумкин: нима учун экологик экспертиза масаласига бу қадар катта аҳамият берилаётир? Гап шундаки, ушбу қонун келажакда давлат томонидан ёки хусусий йўл билан амалга оширилаётган ҳар қандай лойиҳанинг атроф-муҳит ва аҳолига кўрсатадиган таъсирини аниқлашда ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди. Зеро, бугунги кунда иқтисодиётнинг асосий йўналишларини қайта қуриш, биринчи навбатда, кичик ва ўрта тадбиркорлик тармоқларини янги технологиялар билан жиҳозлаш мақсадида республикамизга хорижий сармояларни жалб этиш учун экологик экспертизанинг мавжуд бўлиши ниҳоятда зарур. Яна бир жиҳати шундаки, чет эллик ҳамкорлар ҳам мана шу омилга алоҳида эътибор беришади.

«Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2001 йил 31 декабрда 491-қарори билан «Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисида»ги низомни тасдиқлади.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжат асосида Наманган вилоятида табиатни муҳофаза қилиш бўйича муайян ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, ўтган вақт мобайнида мингдан ортиқ объектнинг атроф муҳитга таъсири экспертизадан ўтказилди. Шундан 75 та объектнинг лойиҳаси экологик талаблар даражасида ишлаб чиқилмаганлиги боис қайта ишлашга қайтарилди.

3 та объект, чунончи, Учқўрғон туманидаги фуқаро К.Охунжоновга қарашли «Умумий овқатланиш шохобчаси», Наманган туманидаги фуқаро Р.Собировга қарашли «Пахта титиш цехи», Косонсой туманидаги фуқаро С.Юсуповга қарашли «Дам олиш маскани»нинг танланган жойга жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ, эмас деб топилди.

Шунингдек, табиатни сақлаш ва асраб-авайлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги ҳамда табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси туманлар ва шаҳар ҳокимликларига объектларни жойлаштириш, ташкил қилиш ва ўзгартириш бўйича қабул қилинадиган қарорларни экологик экспертиза хулосасига эга бўлгандагина қабул қилиш лозимлиги тўғрисида кўрсатма берди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ishonch» мухбири

«Ishonch» бонг уради

«Буйруғинг қани?»

ёхуд Ахборот-ресурс марказлари қандай ишламоқда?

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ватанимизнинг жанубий ҳудуди бўлмиш Сурхондарёда ҳам барча шарт-шароитга эга касб-ҳунар коллежлари барпо этилди. Уларда айни кунда минглаб ёшлар таълим-тарбия олмоқда. Бунда ахборот-кутубхона ресурсларининг ўрни беқиёс. Президентимизнинг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан мамлакатимиздаги барча кутубхоналарни ахборот-ресурс ҳамда ахборот-кутубхона марказларига айлантириш кўзда тутилган эди. Бундан кўзланган мақсад ахборот-ресурс марказлари орқали аҳолининг турли адабиёт ҳамда ахборотга бўлган талабини қондиришдан иборат. Ёшларнинг асосий қисми мактаб ва коллежларда таълим олаётганлиги туфайли АРМларнинг айнан ўқув юртларида ташкил этилиши бежиз эмас. Табиийки, ушбу муассасаларда АРМлар учун кенг ва ёруғ хоналар ажратилган, барча шароит муҳайё этилган. Аммо ахборот-ресурс марказлари фаолиятига Шўрчи енгил-саноат, Какайди транспорт ва алоқа коллежлари, шунингдек, Термиз тиббиёт ҳамда педагогика коллежларида совуққонлик билан қараляпти. Бу коллежлардаги АРМларда китоб фонди етарли. Аммо ишга муносабат ҳаминқадар.

Шўрчи енгил-саноат коллежи директори вазифасини бажарувчи Эшназар Шоймардоновга учрашиб АРМ ва бошланғич касаба уюшма қўмитасининг фаолияти билан танишиш ниятида эканлигимизни айтганимизда, у киши шундай деди:

— Ҳужжатларни сизга тақдим этишим учун бошқармамиз бошлиғининг буйруғи борми?

— Йўқ, мен бошқарма ходими эмасман. Журналистман.

— Менга бунинг қизиғи йўқ. Сиз коллежга келдингиз. Коллежнинг юқоридаги хўжайини бошқарма. Бизга ана шу бошқарма бошлиғининг буйруғи керак.

Унга мухбирлик гувоҳномаси ҳамда «Мухбирнинг давлат ҳокимияти органи ҳузурида аккредитацияланганлиги тўғрисида» Сурхондарё вилоят ҳокимлиги томонидан берилган ҳужжатни тақдим этдим (бундай кўнгилсиз ҳолат юқорида номлари тилга олинган барча коллежларда рўй берди). Шундан сўнг у ходимларидан бирига «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»ни олиб келишни буюрди. Китобга ташрифим сабабини ёзишимни сўради.

Бундай китоб билан аввал таниш бўлмаганим, қолаверса, бу ҳолат журналистлик фаолиятимда илк бора учраётгани учун исм ва фамилиямни, мақсадимни ёзиб, имзо қўйдим.

Эшназар Шоймардонов билан олдинма-кетин коллеж АРМга кириб бордик. Марказ раҳбари Менгнор Раҳимова бу ерда 14 нафар ходим ишлашини маълум қилди. Улардан ахборот ресурслари технологиялари бўлими бошлиғи Матлуба Азимова, босма адабиётлар бўлими бошлиғи Тамара Алибоевалар ўзининг хизмат вазифасини билишмаслиги, айниқса, бўлим бошлиқларининг АРМ низоми билан таниш эмаслиги кишини ҳайрон қолдиради. АРМнинг иш режаси асосида 2008 йил ноябр ойида атиги битта тадбир ўтказилган. Афсуски, ушбу тадбир баённомаси ҳам мавжуд эмас.

Коллеж бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Қорёғди Расуловнинг фаолияти ҳам талаб даражасида эмас. Ундан иш режасини сўраганимизда ҳеч нарса бўлмагандек, 2008 йил тугаб бораётганига қарамай, 2007 йил учун тузилган режани кўрсатди.

Какайди транспорт ва алоқа коллежи директори вазифасини бажарувчи Холмирза Холмўминов билан суҳбатимиз қисқа бўлди. Мақсадимизни эшитгач, коллежнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Хадича Норматовага учрашишимизни айтди.

Коллеж АРМ бошлиғи Фахриддин Бурхониддиновнинг айтишича, бу ерда 28792 та китоб бўлиб, шундан бадиий китоблар сони 18000 та, дарсликлар 4600 та, сиёсий адабиётлар 200 та, умумтаълим йўналишидаги китоблар 6932 та, шунингдек, 16 дона электрон вариантдаги китоблар ҳам бор. Асосий китобхонлар коллеж ўқитувчи-ю талабалари экан.

АРМда китобларнинг сақланиши ёмон аҳволда. 2008 йил ноябр ойида тўртта тадбир ўтказилиши режалаштирилган. Афсуски, булардан биронтасининг бажарилганини тасдиқловчи далил йўқ. Ҳатто йиғилиш ўтганлиги ҳақида баённома ҳам ёзилмаган.

Термиз тиббиёт коллежида ҳам директор вазифасини бажарувчи Раҳматулла Норовнинг гапи бўйича маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосар Юсуфжон Бобоқуловга учрадик.

АРМ раҳбари Мадамин Бароталиев яқинда иш бошлаганини маълум қилди. Лекин бу ерда салкам 40 йилдан бери ишлаб келаётган Саодат Жалилова касби ҳамшира бўлса-да, кутубхона ишларини жуда яхши ўзлаштирганини, ишлар рисолагидан ҳам зиёда эканини, бизни қизиқтирган саволларга у киши жавоб беришини айтди.

АРМ ходими С.Жалилова билан суҳбатлашиб, бу ерда ойлик ва йиллик режалар номигагина тузилганлиги, тадбирлар ўтказилмаётганига гувоҳ бўлдик. Чунки бирорта ҳам тадбир баённомаси мавжуд эмас. Китоблар таъмирталаб. Ходимлардан бирортаси ҳам Конституциямизнинг неча боб, неча моддадан иборат эканлигини билмайди.

Ҳамширалик иши бўйича 132-гуруҳда ўзбек тили дарси бўлаётган экан. Дарсни кузатдик. Ўрта мактабларни ўтган йили «қизил шаҳодатнома» билан тугатган талабаларнинг ҳеч бири дарс мавзусини билмайди. Энг ёмони, улар «дарак гап» билан «сўроқ гап»ни фарқлашмайди. Азиза Бердиева, Севара Холбоева, Фарида Омонова, Жонибек Тоҳиров, Сулаймон Саидмуродов каби талабалар ҳам бирорта саволимизга жавоб бера олмади. Ўқитувчи кўрсатган диктант дафтарларидаги хатоларни кўриб, улар қандай қилиб коллеж талабалигига қабул қилинганига ҳайрон қолдик.

Бу ҳолатларни Раҳматулла Норов шундай шарҳлади:

— АРМдаги камчиликларни тузатамиз. Очиғи, бу йил қабул қилинган талабаларимиз орасида исм-фамилиясини ҳам тўлиқ ёза олмайдиганлари борга ўхшайди...

Термиз педагогика коллежи директори вазифасини бажарувчи Менгзиё Олтибоев ҳам истамайгина АРМга бошлади. Раҳбар Г.Худойбердиева, ходимлар Н.Худойқулова, М.Воҳидова, З.Аҳмедова, жами 7 ходимнинг мутахассислиги бошқа экан. Шунинг учунми, АРМда ишлар ўлдажўлда. Ҳатто китоб жавонлари жойлашган хонани ўргимчаклар «ўз макони»га айлантирган.

Коллежларда кўрган-билганларимизни Сурхондарё вилоят касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Тўлқин Мардонақуловга айтиб, муносабат билдиришини сўраганимизда у киши дабдурустдан шундай деди:

— Очиғи, ҳозир мингта матбуот нашри бор. Вилоятда қанча мухбир юрибди. Уларнинг ҳар қайси ўз дарди, ташвиши билан овора. Тўғри, мен коллеж раҳбарларига рухсатимсиз бу масканга бирор кишини киритманглар деб топшириқ берганман. Эҳтимол, сиз ҳақиқий мухбир бўлишингиз мумкин.

Аниқ айтаманки, бундай муносабатдан кейин ҳар қандай журналистда ўзининг «ҳақиқий»лигига шубҳа уйғонади.

Ажабо, ҳақиқий мухбир бўлишим учун Тўлқин Мардонақуловдан буйруқ олиб юришим керакка ўхшайди.

Нима ҳам дердик. Ўйлаб-ўйлаб шундай хулосага келдим. Юқорида номлари зикр этилган коллежларнинг АРМларидаги аҳвол бир-бирига ўхшаш. Айниқса, шарт-шароит қанчалик яхши бўлишига қарамай, тартиб-интизом, ишга муносабат аянчли. Китоб жавонлари чанг, китоблар таъмирталаб, иш режаси хўжакўрсинга ишлаб чиқилганлигидан мухбирлар хабар топмасин деган ўйда юрган бошқарма бошлиғи Тўлқин Мардонақулов «Оммавий ахборот воситалари», «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлардан бехабарга ўхшайди.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

Турмуш чорраҳаларида

Узоқнинг буғдойидан...

Бир қариндошим тўйга таклиф билан келди.

— Қизимни узатаяпман, ака, — деди кулимсираб. — Мана, экин-тикинни йиғиштириб бўлдик, қизим ҳамширалик гувоҳномасини ҳам олди.

— Улуғ иш бўпти-да, ука, — дедим хурсандлик билан. — Ҳаммани тўйга етказсин. Қолаверса, қиз болани тенги чиқса, текин бер деганлар.

Шундай дедим-у бир ой олдин шу қариндошимнинг тўй хусусида гап очилганда, бу йил шароити ночор эканлигини гапирганини эсладим. У кўнглимдан ўтаётганларни сезгандек:

— Тўйникини худо етказади деганлари тўғри экан. Тошкентда новвойлик қилаётган кичик ўғлим анчагина пул билан келди. Шу жонга ора кирди-ю ўзимизбоп жойдан куёв чиққанида хўп деб юбордим, — деди.

Ўша куни кечқурун қўшни вилоятдан бошқа қариндош аёл қўнғироқ қилиб, Москвага ишлаш учун кетган ўғлидан уч ойдирки дарак йўқлигини, бегона бир одам кеча «фалон жойга, фалончи деган одамга шунча пул олиб бориб берсангиз, ўғлингиз қайтади» деганини, ўғлининг йўлкира учун маблағи қолмаганини айтиб йиғлади. Нима ҳам дейиш мумкин, шароитга қараб иш тутишни маслаҳат беришдан ўзга чорам йўқ эди...

Абдумалик исмли (маълум сабабларга кўра исмлар ўзгартирилди) яқин танишим бўларди. Олий маълумотли, ҳисоб-китобга моҳир бўлиб, ҳатто нуфузли ташкилотлардан унга ўзларининг ярим ёки бир йиллик молиявий ҳолатларини кўриб бериш юзасидан илтимослар тушиб турарди. Унинг ака-укалари ҳам ўзи сингари ишбилармон йигитлар эди.

Абдумалик истиқлолдан кейин бошланган иқтисодий янгиланишларни хурсандлик билан қаршилади. «Энди ишлайдиган, кўнгилдаги режаларни рўёбга чиқарадиган давр келди», — деганди бир гал. Олдинига цех очди, сўнг уни кичикроқ корхонага айлантирди. 30-40 одам учун иш ўрни яратди. Бир сафар Абдумаликни нохуш кайфиятда учратдим.

— Россиядан автомобил келтириб сотадиган Мирсалим деган укамдан олти ойдирки дарак йўқ. Оилада тўнғич ўғилман, онамнинг олдига қандай киришни билмай қолдим, борсам кўзёш тўкади, — деди изтироб билан.

Шундан сўнг у укаси юрган йўллар бўйлаб уч марта айланди. Мирсалимнинг энг сўнгги русумдаги автомобилни сотиб олганини ва қайси шаҳарлардан ўтганини аниқлади. Аммо унинг изи бепоён қозоқ чўлларига келиб йўқолганди...

Буни қарангки, ўша пайтда арзимас сабаб билан Абдумаликнинг иши юришмай қолди (укасининг қисмати унга сабоқ бўлиши керак эди, лекин...). Афсуски, тугунни шу ернинг ўзида ечиш ўрнига Урал тоғи-бағридаги шаҳар томон ошиқди ва ўша ердаги бозор ичида шохобча очиб, Ўзбекистондан олиб борилган маҳсулотларни сотишни йўлга қўйди. Уни ҳам зимдан кузатиб юрганлар бўлган шекилли...

Кунларнинг бирида сафарга борган ҳамюртини аэропортга чиқариб қўйиб қайтиши керак эди, аммо дарак бўлмади. Кута-кута тоқатлари тоқ бўлгач, қидиришга тушдилар. Ниҳоят, қалин ўрмоннинг хилват бир жойидан ўлигини топишди. Афсуски, унинг тилла тишлари қоқиб олинган, ўзи эса вахшийларча ўлдирилганди...

Фахриддин деган танишим ўзини савдонинг пири ҳисобларди. Тенги йўқ ҳамсуҳбат бўлиб, у билан ўтирган зерикмасди. Шароит тақозосига кўра, Фахриддин ишлаган ташкилот касодга учраб, дўкони ёпилиб қолди. Танишим савдо ишини пухта билгани билан турмуш икир-чикирларини унча тушунмас экан. Улфатлар билан ошхўрликни канда қилмай юраверибди-ю тўрт тангани «эртанги кун» учун бир четга ташлаб қўйишга фаҳми етмабди. Дўкон ёпилгандан сўнг ўзини гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа уриб кўрди, наф бўлмади. Болалар эса ейман, кияман дейди. Тинимсиз келиб турганга ўрганган хотин эрининг ҳолатини англамайди, «у кам, бу кам»дан бўшамайди.

Хуллас, уйидаги ғиди-бидилар жонига теккач, Фахриддин қарз кўтаради ва ўзи сингари «узоқдаги буғдой»га умид қилган шериклар билан Россияга йўл олади. Аввалига у дарак бериб турди. Бир гал Самарага жойлашганини, кейин эса Ялта ва Симферополдан иш топганини хабар қилди. Сўнг сувга тушган тошдек ғойиб бўлди...

— Уни кўрган икки одам келди, — дейди Фахриддиннинг хотини Зуҳра. — Қозон шаҳридаги қайсидир масжидда қоровуллик қилаётганмиш. «Соқол қўйиб олган, имомларнинг таҳоратларига сув тайёрлаб бераяпти», — дейишди. У ёқда ўз жонини сақлаб, қорнини тўйғазиб юрибди. Бу ёқда бизнинг ҳолимиз танг. Ишсизман, қариндош-уруғлар, укаларим мадади билан тирикчилик ўтиб турибди. Бироқ қарз берганлар ҳар куни эшигимизни тақиллатиб ҳоли жонимизга қўйишмаяпти...

«Ўз жонини омон сақлаб юрибди». Бу сўзлар куз бошларида Тошкентдан қайтаётганимдаги воқеани эслатди. Ўшанда енгил машинада қўшни вилоятнинг Балиқчи туманида яшовчи эр-хотин билан ҳамроҳ бўлдик. Улар Қозоғистондан ишлаб қайтишаётган экан...

— Биз-ку тўрт-беш танга топиб келаяпмиз, — деди йигит. — Лекин фалон қишлоқдан борган шеригимизга жабр бўлди. Беш ой ишлагач, хасталикка чалиниб, уч ойча ётиб қолди. Ўша ерлик бой эса: «Яхши меҳнат қилмадинг, касалхона, дори-дармон учун шунча пул сарфладим, катта миқдорда қарздорсан, уни барибир тўлай олмайсан», деб унинг хотинига кўз тикди... Ёрдам сўрайдиган ташкилот йўқ, туман маркази эса 300-350 чақирим олисда. Орадан икки ой ўтиб, бойнинг тоғаси меҳмонга келди. Йигит унинг оёғига йиқилиб арз-дод қилди. Ниҳоят, тоғанинг аралашуви билангина бой йигитнинг хотинини қайтариб берди. Уларнинг кейинги турмуши қандай кечади, энди ёлғиз Яратганга аён...

Хулоса шуки, «узоқнинг буғдойидан, яқиннинг сомони яхши» деганларидек, ҳикоямиз ўзга юртларга мўмай даромад топиш илинжида кетаётганларга бир сабоқ бўлса ажаб эмас...

Ж. ОБИДОВ

Таҳрир ҳайъатининг кириш сўзида таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда 5000 дан кўпроқ нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият олиб бормоқда. Жорий йил 1 январдан «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг кучга киритилиши уларнинг жамият ва давлат қурилишидаги ўрни ва нуфузини янги поғонага кўтарди.

Ҳуқуқий шароит яратиб...

«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг янги сони қўлимизга тегди

«...Ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири ҳамда масъулиятини кучайтирди, — деб ёзади Ўзбекистон Конституциявий суди раисининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди, доцент Бахтиёр Мирбобоев «Конституция ва инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши» номли мақоласида. — ...Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимга тайинлашда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг фаол иштироки учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратади.

...Ҳукумат ва унинг тузилмаларининг, марказдаги давлат бошқаруви органларининг парламентдаги сиёсий партиялар фракциялари олдида ҳисоб беришини белгилаб берадиган ва таъминлайдиган самарали ҳуқуқий механизмларни яратди».

Ўзбекистон Адлия вазири Равшан Муҳиддинов «Ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш йўлида» мақоласида қабул қилинган қонун ҳужжатларининг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш ва кенг жамоатчиликка унинг мазмун-моҳиятини етказиш, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган ҳуқуқий шарт-шароитларни тушунтириш мақсадида олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот ишларига алоҳида тўхталиб ўтади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Тошкент давлат юридик институти докторанти Худоёр Маматовнинг «Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш» мақоласида шундай дейилади: «Демократиянинг улкан ютуғи сифатида биринчи босқичда мамлакатимиз тарихида илк бор Конституциявий суд қарор тогди, янги мазмундаги умумий юрисдикция судлари, хўжалик судлари ва ҳакамлик судлари жорий этилди. Судлар тўғрисидаги қонун, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, одил судловга оид бошқа қонунчилик базаси вужудга келтирилди. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш судлар фаолиятининг асосий мазмунига айланди.

...Суд процессининг тарбиявий аҳамияти, маълум маънода, уни олиб борувчи судяларнинг маънавий қиёфасига ҳам боғлиқлигини қайд этиб ўтиш жоиздир. Судянинг энг муҳим касб мажбуриятлари қонунларда назарда тутилган одил судловнинг мақсадлари ва вазифаларидан келиб чиқади. Судя, терговчи ва прокурор юқори даражадаги ҳуқуқий онгга ҳам эга бўлиши, одил судловга садоқат билан хизмат қилиши, қонунни ҳурмат қилиши, қонунни тан олмасликнинг ҳар қандай кўринишларига муросасиз бўлиши, қонунни четлаб ўтишга қаратилган ташқи таъсирларга қарши тура олиши, инсонга ва унинг қадр-қимматига ҳурматда бўлиши, ўз ишига танқидий кўз билан қарай олиши, келиб чиқиши мумкин бўлган зиддиятларни тез ҳал этиши, ҳақиқатни ёлғондан фарқлай билиши, ҳақиқатни аниқлашга қунт билан ҳаракат қилиши ва шунга ўхшаш бошқа кўп хусусиятларга эга бўлиши лозим».

Тошкент иқтисодиёт университети магистранти Ғанижон Иноғомов «Виждон эркинлиги ҳуқуқининг маънавий-ҳуқуқий асослари» мақоласида халқимизнинг менталитетидан келиб чиқиб, ҳаётимизда маҳаллаларнинг ўрни катта эканлигини ҳисобга олган ҳолда, аҳолининг виждон эркинлиги ҳуқуқини амалга ошириши, дин ва давлат ўртасидаги муносабатга оид қонун нормаларининг тўғри қўлланиши, шунингдек, динни ниқоб қилиб олиб, маҳалла ёшларини турли зарарли оқимлар таъсирига тортишга ҳаракат қиладиганлардан муҳофаза қилиш юзасидан маҳаллалар масъулиятини ошириш масаласи, айниқса, долзарб эканлигини кўрсатади.

Бухоро давлат университети «Социология ва маданиятшунослик» кафедраси ўқитувчиси Саодат Ғуломованинг «Ҳидоя» ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидаги уйғунлик масалалари» мақоласи ҳам эътиборга молиқдир.

Дарҳақиқат, «Ҳидоя»да: «Жиноят содир этган шахс озод ёки қул бўлсин, ҳар иккаласи бир хил жазоланади, айби исботланмаган кишини то айби исботланмагунча ҳибсда ушлаб туриш шариатга хилоф», — деб таъкидланиши беқиёс аҳамиятга лойиқдир. Бинобарин, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 9-моддасида «Ҳеч ким асоссиз қамалиши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмас» ва 10-моддасида «Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбловнинг асослантирилганлигини аниқлаш учун, тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва барча адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга» каби қоидаларнинг мустаҳкамланиши эътиборга молик бўлиб, у «Ҳидоя»да илгари сурилган ғояларни яна бир карра тасдиқлайди.

— Касаба уюшмамиз марказий кенгаши ходимлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича амалий чоралар кўрмоқда, — деб ёзади Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Шамси Эсонбоев «Ёшларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик» мақоласида. — Жумладан, Урганч, Ғузор, Олтиариқ, Оққўрғон ва Бўка пахта тозалаш заводлари касаба уюшмалари аъзоларидан тушган аризаларни вилоят ҳокимликлари ва мутасадди ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда ўрганиб чиқиб, ходимларни иш ўринларида сақлаб қолиш ёки корхона тугатилиши сабабли уларга меҳнат шартномаси асосида барча тўловлар амалга оширилишига эришдик, шунингдек, уларни иш билан таъминлашга кўмаклашдик.

Ходимлар учун соғлом ва хавф-хатарсиз меҳнат шароитларини яратиб бериш касаба уюшма кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Тармоқ тизимидаги ташкилотларда мулкчилик шаклларининг ўзгариши, яъни ширкат хўжаликларининг хусусий ташкилотларга айлантирилиши жараёнида ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича ишларни янада яхшилаш долзарб вазифага айланди.

Хуллас, журналнинг ушбу сони ҳам муштарийларга манзур бўлади деган умиддамиз.

Довуд МАДИЕВ

Касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи

Ўзбекистон умуминсоний қадриятлар, инсон ва унинг ҳуқуқларига оид халқаро қоидалар устуворлигини тан олган.

Меҳнат соҳасида асосий ҳуқуқлардан бири ходимларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида касаба уюшмалари ташкил қилиш ҳуқуқидир.

Бугунги кунда энг оммавий жамоат бирлашмаси бўлган касаба уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Жамоа муносабатларида ходимларнинг ваколатлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмалари махсус орган ҳисобланади. Бу қоида Меҳнат кодексининг тўртинчи бобида белгиланган.

Асосий Қонунимизнинг 59-моддасида, касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади, деб эътироф этилган.

«Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда кўрсатилганидек, касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг касбий ихтиёрий уюшмаси сифатида қуйидаги вазифаларни бажаради:

1) меҳнат ва ижтимоий ҳимоя масалаларига оид қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилишида иштирок этади;

2) ходимларнинг ҳуқуқларини иш берувчилар, давлат органлари олдида, жумладан суд йўли билан ҳимоя қилади;

3) иш берувчилар, уларнинг ваколатли органлари, давлат билан ходимларнинг меҳнат шароитларини белгилаш, ўзгартириш масалалари юзасидан музокара олиб боради;

4) меҳнат ва касаба уюшмалари тўғрисидаги қонунларга иш берувчилар, уларнинг вакиллик органлари томонидан риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

5) қонунда белгиланган ҳолларда меҳнат шароитини белгилайди ёки ўзгартиришга оид низоларни кўриб, ҳал этади;

6) жамоа келишувлари ва шартномаларининг тўлиқ бажарилишини кузатиб боради.

Касаба уюшмаларининг ходимлар вакиллик органи сифатидаги ҳуқуқлари қонун билан кафолатланган.

Касаба уюшмаларини ходимларнинг универсал вакили деса бўлади. Уларнинг универсаллиги шундаки, ходимлар вакиллигини меҳнат муносабатларининг барча даражасида (корхона, тармоқ, ҳудуд, республика) амалга ошириши ва ижтимоий шерикчиликнинг барча шаклларида иштирок этиши мумкин. Касаба уюшмалари халқаро ҳамжамият томонидан ходимларнинг энг салоҳиятли, кенг тарқалган ва оммавий вакили сифатида тан олинган. Уни ходимларнинг вакили сифатидагина эмас, балки жамоа-шартномавий норматив актларнинг тарафи сифатида ҳам тан олиш жамоа муносабатларининг юридик табиатига тўла мос келади. Жамоа музокараларда қабул қилинадиган шартнома ва келишувларида тарафларнинг маълум ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этади. Бу эса тегишли жавобгарлик масаласини ҳам назарда тутишни тақозо қилади. Меҳнат жамоасининг жавобгарликка тортиш имконияти чекланганини ҳисобга олиб, масалани касаба уюшмаларининг фойдасига ҳал этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Касаба уюшмаларининг ходимлар вакили сифатидаги асосий ваколатларидан бири жамоа музокараларини олиб боришдир. «Жамоа музокараларига кўмаклашиш тўғрисида»ги конвенциянинг 2-моддасига мувофиқ, жамоа музокараларининг асосий мақсади — меҳнат ва бандлик шартларини белгилаш, тадбиркорлар, меҳнаткашлар ва уларнинг уюшмалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш. Музокара натижасида корхона, ҳудуд, тармоқда меҳнат шартларини белгилайдиган ва тарафларнинг вакиллари ўртасидаги муносабатларни тартибга соладиган нормаларни қамраб олган жамоа шартномалари вужудга келади. Меҳнат кодексига кўра, улар меҳнат муносабатларини тартибга солувчи норматив актлар сирасига киради.

Меҳнат кодекси жамоа шартномасини қабул қилишда музокарага киришиш ва унда вакилликни амалга оширишни назарда тутади. Қонун томонидан бундай шаклдаги норматив актларни қабул қилишнинг бошқа йўллари белгиланмаган. Жамоа шартномаси меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференция)да тасдиқланиши керак (Меҳнат кодексининг 38-моддаси). Касаба уюшмалари иш берувчи, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идоралари билан жамоа музокаралари олиб бориш, шартнома ва келишувларини тузиш ҳуқуқига эга бўлиш билан бирга, уларнинг бажарилишини ҳам назорат этиб боради.

Амалдаги қонунчиликда касаба уюшмаларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя этиш соҳасида жуда кенг ҳуқуқ ва имкониятлари назарда тутилган. Шунга биноан, касаба уюшмалари давлатнинг аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатини ишлаб чиқишда ҳам иштирок этади.

Гулноза САТТОРОВА,
ТДЮИ ўқитувчиси

Олам ва одам

Икки давлат келишиб олди

Расмий Киев Россия газининг ҳар минг кубометрини 360 долларидан сотиб олишга рози бўлди. Бундан ташқари, «Газпром» охирги ўн йил ичида биринчи марта ёқилғини «Нафтогаз»га воситачиларсиз сотади. 2006 йилдан бошлаб «РосУкрЭнерго» компанияси (50 фоиз акцияси «Газпромга, 50 фоизи украиналик бизнесменлар Дмитрий Фирташ ва Иван Фурсинга тегишли) ўртада воситачи ролини бажараётган эди.

17 январ куни иккала мамлакат бош вазирлари Владимир Путин ва Юлия Тимошенко учрашиб, шунга келишиб олишди. Украина учун газнинг нархи европалик истеъмолчиларга сотиладиган газ нархидан 20 фоиз арзон бўлади. Бунинг эвазига Россияга газни Украина ҳудуди орқали транзит қилишда имтиёз берилади.

2010 йил 1 январдан бошлаб ҳар иккала ҳолатда ҳам нархлар Европаники билан тенглашади.

Путин чизган расм

Россиянинг «Фонтанка.ру» сайтида ёзилишича, Санкт-Петербургда ўтказилган хайрия аукционида мамлакат бош вазири Владимир Путиннинг «Нақш» картинаси 37 млн. рублга сотилган. Мазкур асарни Москвадаги «Янги рассомлар» галереяси харид қилган.

Санкт-Петербург губернатори Валентина Матвиенконинг «Изғирин» асарини эса «Максидом» магазинлар тармоғи бош директорининг қизи 11,5 млн. рублга сотиб олди. Шунингдек, аукционда қўшиқчи Анна Нетребко, балерина Уляна Лопаткина ва бошқа машҳур кишилар чизган расмлар ҳам сотилганини таъкидлаш жоиз.

Шаҳардаги рождество тантаналарида «Азбука» акцияси доирасида машҳур сиёсатчилар ва санъат намояндалари профессионал рассом ёрдамида Гоголнинг «Рождество арафасидаги оқшом» қиссаси асосида расм чизишди.

Учинчи марта ўтказилган аукционда 70 млн. рубл йиғилди. Ушбу маблағ шаҳардаги ижтимоий муассасаларни қўллаб-қувватлашга сарфланади.

Қиролни ҳақорат қилгани учун...



AFP агенлигининг хабарига қараганда, Таиланд суди қиролни ҳақорат қилганлиги учун австралиялик ёзувчи Гарри Николаидесни уч йиллик қамоқ жазосига ҳукм этди.

Таиланд шимолидаги университетда ўқитувчи бўлиб ишлайдиган Николаидеснинг «Ҳақиқатга яқинроқ» романи 2005 йили чоп этилган бўлиб, ҳукумат уни қирол учун ҳақоратли деб ҳисоблаб, 2007 йили ёзувчини ҳибсга олишга ордер берган эди. 2008 йилнинг август ойидагина у қамоққа олинган.

Ушбу айб бўйича Николаидес олти йилга қамалиши мумкин эди, аммо қилмишини тан олиб, пушаймон бўлганлиги боис жазо муддати уч йилга қисқартирилди.

Таиландда давлат бошлиғини ҳақорат қилиш энг оғир жиноятлар сирасига киради. Айни вақтда мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари яна 17 та шунга ўхшаш жиноят ишини кўриб чиқаяпти.

Омади бор экан



Хитойнинг Сиан шаҳридаги Цзяотун университети клиникаларидан бирига 38 ёшли Вэн Вэн бошига пичоқ санчилган ҳолда тиббий ёрдам кўрсатишларини сўраб ўз оёғи билан кириб келганини кўрган ҳамширалардан бири ҳушидан кетди. Беморни рентгенга туширганларида унинг бошига пичоқ тиғи 13 см. кириб турганлиги, аммо ундаги йирик томир ва асаб толаларига зарар етказмаганлиги маълум бўлди.

Врачларнинг айтишича, пичоқ бир-икки см. ёндан санчилганида бемор аллақачон жон таслим қилган бўлур эди.

Вэн Вэннинг айтишича, 76 ёшли отаси жаҳл устида унга пичоқ санчган.

Интернет хабарлари асосида
Ҳасан НИШОНОВ тайёрлади

Кинорежиссёр Людмила Гармаш:

«Қаҳрамонинги яхши кўрилиши керак...»

■ Кино олами

— Людмила опа, бу даргоҳга режиссёр бўлиб келганингизга ҳадемай ўттиз йил тўларкан...

— Аслида ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факултетини битирганман. 1979 йили бу ерга ишга келганимда, мутахассислигим бўйича муҳаррирлик лавозимида бўш ўрин бўлмаганлиги учун режиссёрлик вазифасига олишган. Эҳтимол, ўша пайтда иккилангандирман, лекин кўп фурсат ўтмай менга бу иш жуда ёқиб қолган.

Кутилмаганда касбимнинг бошқа йўналишга бурилишидаям бир яхшилик аломатини кўраман чунки мен қаламкашлик сирларини университетда ўрганган бўлсам, режиссёрликни ҳаётий тажриба мактабида ўзлаштириб бордим. Режиссурани сценарий ва матнларсиз, сценарийнинг мақсад ва ғояларини халққа етказишни эса режиссурасиз тасаввур этиб бўлмаслигини ҳисобга олганда, тақдир мени сийлади. Муаллифлар билан ҳамкорлик қилишим осон. Ишимизда матнни йўл-йўлакай таҳрир қилиш, ўзгартиришга ҳам тўғри келади, шундай пайтларда қийналмайман. Ўзим бир неча ҳужжатли филмларга ҳам муаллифлик, ҳам режиссёрлик қилганман.

— Сиз яратган ҳужжатли филмларни маълум маънода республикамиз ҳаётининг қай бир соҳалари бўйича визиткаси дейиш мумкин. «Ўзбекистон керамикаси», «Ўзбекистон шаҳарлари» каби туркум ҳамда «Ўзбекистон маданияти, урф-одатлари, анъаналари» филмларингизни назарда тутаяпман.

— Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида қадди бастини тиклаб бораркан, унинг тарихи ва бугуни ҳақида фикр юритиб, келажаги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун биз яратган филмлар қўл келса ажабмас. Масалан, халқ амалий санъатини олсак, бу — ҳар қандай мамлакат аҳолисининг маданияти, маънавиятининг бетакрор кўзгуси. Муаллиф Назиҳа Камолова билан ҳамкорликда «Ўзбекистон керамикаси» деб номланган туркум филмларда Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри керамикаси ҳақида ҳикоя қилдик. Бир қарашда бу филм соподан ясалган ажойиб, ўзига хос, миллий руҳ сингдирилган буюмлар тўғрисидаги асарга ўхшайди, лекин асосий мақсадимиз — оддий гилни юксак санъат асари даражасига кўтарган моҳир халқ усталари ҳақида ҳикоя қилиб бериш, улар сиймоси ва санъатини авлодларга ёрқин тасвирларда қолдириш.

Муаллиф Феруза Тўхтахўжаева билан ҳамкорликда «Ўзбекистон шаҳарлари» туркум филмларни яратишда Чуст, Поп, Китоб, Шаҳрисабз шаҳарларини танлашимизнинг ҳам сабаби бор. Шу пайтгача дунёга машҳур бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент шаҳарлари мавзусига ижодкорлар қайта-қайта қўл урганлар. Лекин республикамизда табиати, аҳолисининг урф-одатлари, ҳунармандчилиги, амалий санъати билан эътиборга лойиқ қишлоқ ва шаҳарлар жуда кўп. Шуни айтишим керакки, хизмат юзасидан ўттиз йилдан буён ватанимизнинг турли жойларида бўлдим, одамларнинг бағрикенглигидан, болажонлигидан, содда-ю самимийлигидан яйрайман.

Юртимизнинг ҳайвонот ва наботот оламидан ҳар гал завқланаман, ҳайратга тушаман, шу туйғуларни бошқаларга ҳам улашгим келади.

— Аксарият режиссёрларнинг яхши кўрган мавзуси бўлади. Бошқа томондан, кейинги пайтларда ижодкорларнинг маълум бир йўналишга ихтисослашуви яхши самара бериши ҳақида кўп гапирилаяпти. Бу ҳақда фикрингиз қандай?

— Тўғри, табиий иқтидори, дунёқараши, билимларига мос равишда бирор мавзуга ихтисослашув муаллиф ва режиссёрнинг танлаган соҳасини чуқур ўрганишига, уни мукаммал ёритишига, шу билан бирга, ишларининг озми-кўпми осонлашиб боришига имкон беради. Чунки у ҳар гал мавзуни алифбосидан бошлаб ўрганиб ўтирмайди-да. Лекин унутмаслик керакки, муаллиф ҳам, режиссёр ҳам ўз номи билан ижодкор! Изланишсиз, янгиликларга интилишсиз унинг фаолияти жозибасини йўқотади, ривожланишдан тўхтайди.

Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темирйўли қурилиши ҳақида ҳужжатли филм яратиш вазифасини менга топширишганда, дастлаб «қандай бўларкан?» деган савол кўнглимдан кечгани рост. Лекин қурилиш билан танишганим сайин, у ҳақда одамларга ҳикоя қилиб бериш истаги менга куч-қувват берди. Чўл ва тоғли жойларда тоғни кесиб йўл қураётган замондошларимизнинг шижоати, юртга муҳаббати тўғрисида филм яратиш ҳам қийин, ҳам қизиқарли эди. Айниқса, тасвирчи Ботир Гадойбоев зиммасига жуда масъулиятли, оғир вазифа тушганди. У қишнинг қаҳратонида ҳам, ёзнинг иссиғида ҳам қурувчилар билан ёнма-ён туриб жараёнларни тасвирга олди. Икки йил давомида бутун вужуди билан, қалб қўрини бағишлаб ишлади, натижада, улкан қурилишни босқичма-босқич акс эттирган эпопея вужудга келди.

Қувасой цемент заводи ҳақида филм тайёрлашни менга топширишгандаям, дастлаб бу соҳада умуман ҳеч нарса билмаганлигим учун қийналсам керак, деб ўйлагандим. Йўқ, ўша жойга бориб, иш жараёни билан таниша бошлагач, гўё сочилиб ётган мунчоқлардан бир шода маржон тизган каби филм композициясини кўнглимда шакллантира бошлагандим. Шу ўринда, юқоридаги фикримга аниқлик киритмоқчиман, яъни ижодкор ўз ишига қизиқса, унинг аҳамиятини ҳис этса, мавзу қандай бўлишидан қатъи назар, яхши асар ярата олади. Шунинг учун мен мавзу танлашда чекланмайман.

— «О, спорт, ты — мир!» деб номланган ҳужжатли филмингиз ўтган йил бўлиб ўтган халқаро спорт ҳақидаги филмлар фестивалида совриндор бўлганидан хабардормиз. Спорт мавзусидаги «Пусандаги медаллар», «V Осиё ўйинлари», «Надя Малюгинанинг «оғир» бахти» номли филмларингиз ҳам жуда чиройли чиққан. Ҳужжатли филм соҳасида ишлари худди шундай муваффақиятли чиқишини орзу қилиб юрган ёш касбдошларингизга қандай маслаҳат берасиз?

— Бунинг учун қаҳрамонингни яхши кўришинг керак! Фақат муаллиф билан режиссёрнинг қалбидаги чўғ, ихлос камлик қилади, тасвирчи ҳам ҳар бир лавҳа, қиёфани меҳр билан суратга олиши — филмнинг эллик фоиз ютуғи таъминланди дегани.

Спортчи Надежда Малюгина ўзи ҳақидаги филмимизни томоша қилгандан кейин «Шу пайтгача мен тўғримда бир нечта филм ишланган, лекин буниси ўзимгаям жуда ёқди» деб қўнғироқ қилганди. Бундай эътирофлар — ижодкор учун энг катта мукофот.

— Людмила опа, бадиий филмда режиссёр образларнинг характери, ички оламини очишга алоҳида эътибор қаратади. Ҳужжатли филмларнинг вақти нисбатан чекланган. Уларда ҳам бу жиҳатларни ёритишга эътибор қаратиладими?

— Албатта! Ахир ҳар бир инсоннинг жамиятда қандай ўрин эгаллаши, олам ва одамларга муносабати унинг ички дунёси билан боғлиқ-ку! Ҳар биримизнинг асил қиёфамизни маънавиятимиз, маданиятимиз, дунёқараш ва эътиқодимиз белгилайди. Филмдаги ҳар бир тасвир мантиқан бир-бири билан боғлиқ бўлиши, асосий мақсадга хизмат қилиши шарт. Рассом Ортиқали Қозоқовнинг филм-портретини яратганимизда мен ижодкорнинг қалби унинг мўъжаз ватани эканлигига яна бир карра иқрор бўлганман.

— Янглишмасам, «Қор ёғар, ёғар», «Қиш мўъжизаси» филмларини ҳам сиз яратгандингиз?

— Тўғри. Айниқса, ўтган йили қиш шунчалар чиройли, қорларга бой бўлдики, пойтахтимизнинг зумрад фаслдаги таровати, салобати, гўзаллигини тасвирларга кўчирмаслик мумкин эмасди.

Инсон бир умр ўқийди, ўрганади деганлари шу бўлса керак. Бизнинг соҳада ҳар бир бошлаган ишинг янгиликни талаб қилади, демак, изланишдан тўхтамаслик лозим. Ўтган йили МТРКнинг бир гуруҳ ижодкорлари Мисрга сафар қилиб, оммавий ахборот воситалари ходимлари учун уюштирилган тренингда қатнашиб келдик. У ерда фақат маъруза тинглаб қолмай, турли мавзулардаги ижодий мулоқотларда қатнашдик, тажриба алмашдик.

— Айни кунларда қандай ишлар билан бандсиз?

— Навоий шаҳридаги ёш парашютчилар клубининг фаолиятини тасвирга олиб келганмиз. 12-13 яшар болаларнинг мовий осмон бағрида парашютдан сакрашларини кўрсангиз! Дилбар Зиёдова муаллифлик қилган бу янги ишимизда спортнинг ёш болалар, ўсмирлар тарбиясидаги аҳамиятини очиб беришга алоҳида эътибор қаратганмиз. Тасвирга олиш жараёнидаги манзаралар шу қадар чиройли, ажойиб эдики, уларга мафтун бўлиб қолдим. Томошабинларни ҳам худди шундай жалб эта оладиган, спортга қизиқишини орттирадиган филм яратиш ниятидамиз.

Мен кинорежиссёр сифатида нимага эришган бўлсам, ҳаммаси ватанимизга, халқимизга бўлган муҳаббатимнинг меваси. Чунки муҳаббат ёғдулари билан йўғрилган асарларгина юракларга кириб бориши мумкин.

Людмила Гармаш ҳар бир мавзуга ижодий ёндошади. Шунинг учун ҳам ўзи филм яратмоқчи бўлган объектни аввал мукаммал ўрганишга интилади.

Тажрибалардан маълумки, тасвирчига топшириқ бериб қўйиб, унинг ишини четдан кузатадиган режиссёрлар ҳам йўқ эмас. Лекин Людмила опа доим операторнинг ёнида туриб, у билан бирга ишлайди. Шу боис тасвирлар аниқ мақсадга йўналтирилган, профессионал даражада чиқади.

Ҳамкасбимизнинг яна бир фазилатини айтмоқчиман: у ҳеч кимдан ёрдамини, маслаҳатини аямайди.

Муҳтарама УЛУҒОВА суҳбатлашди

«Сувга чўккан 1,5 млрд. евро

Қўчада қолган пул йўқ дейишади. Пул кўчада қолмаган бўлса қолмагандир, лекин ҳозирги ҳисоб-китоблар бўйича бир ярим миллиард евродан ортиқ хазина 200 йилдан буён денгиз тубида ётгани аниқ. Бу, эҳтимол, дунёдаги энг катта сувости бойлигидир. Ниҳоят, хазинани сув тубидан кўтарадиган бўлишди. Фақат хазинага қайси мамлакат эгалик қилиши номаълум бўлиб турибди.

Келинг, бир бошдан ҳикоя қилайлик. Россия императори Екатерина иккинчининг элчилари 1771 йили Голландияда ўтган кимошди савдосида қиймматбаҳо буюмлар: кумуш ва бронза ҳайкалчалар, антиквар уй-жой жиҳозлари, ғаройиб олтин тангалар, қўлда ишланган шиша идишлар харид қилишади. Элчилар сотиб олган буюмларнинг энг қимматлиси Голландия рассомларининг 27 асари бўлиб, улар орасида Рембранд мўйқаламига мансублари ҳам бўлган. Улар чарм ғилофда қўрғошин бочкага жойланиб, сақичланган. Ноёб тасвирий санъат асарлари шу кунгача яхши сақлангани эҳтимолдан холи эмас.

Афсуски, бу бойлик Санкт-Петербургга етиб келмади. Коллекция юкланган Голландиянинг «Фрау Мария» шхунаси фин соҳилларида тошларга урилиб, чўкиб кетди. Ҳамон у сув остида — 40 метр чуқурликда ётибди. «Фрау Мария» кемасини 1999 йили фин ғаввослари топиб олишган. Лекин ораданҳеч қанча вақт ўтмай хазинага тўртта мамлакат даъвогар эканлиги маълум бўлди. Қачонлардир кимошди савдосида Россия қўлга киритган хазинага биринчи даъвогар Финляндия бўлади. Ушбу мамлакат қонунларига биноан фин сувларида юз йилдан ортиқ турган барча бойликлар Финляндияникидир. Шу ўринда юз йил муқаддам Финляндиянинг ўзи Россиянинг бир бўлаги бўлганини ҳам унутмаслик керак.

Хазинага, шунингдек, Голландия (кема ушбу мамлакат байроғи остида сузган), Швеция ҳам даъвогар бўлиб чиқди. Шведлар негадир бирданига ўша олис замонлар Финляндия таркибига кирганларини эслаб қолишди. Демак, «Фрау Мария» чўккан сувлар ҳам бизга тегишлидир дейишмоқда улар.

Айни пайтда, Россия ҳамда Финляндия ҳарбий денгиз кучлари мутахассислари 2010 йилда шхунани денгиз тубидан кўтариш учун қўшма тадбир ишлаб чиқишмоқда. Қумга ботиб ётган кема остидан бир неча қалин трос ўтказилади. Тросларга баллонлар боғланиб, улар ҳаво билан шиширилади. Бутун бошли қурилма денгиз тубидан оҳиста узилиб, юқорига қалқиб чиқиши керак. Кема шундан сўнг шатакка олиниб, докка келтирилади.

У Болтиқнинг камтузли сувида яхши сақланган бўлиши керак. Кема ҳар қандай ташқи таъсирни кўтара олади дейишмоқда мутахассислар.

«Маданий-тарихий қадриятларни қутқариш» хайрия жамғармасининг президенти Артём Тарасовнинг фикрича, мерос масаласи халқаро судда кўриб чиқилиши мумкин. «Хазинага бош даъвогарлар — Россия билан Финляндия масалани оқилона ҳал қиладилар деб ўйлайман, — дейди жамғарма президенти. — Дейлик, хазинани шартли равишда умумий мулк деб эълон қилишади. У бир ярим йил Хелсинкида, бир ярим йил Питерда намойиш этилади».

Эрмитаж ходимлари (хазина айнан шу музей учун харид қилинган!) ҳозирча бу баҳсга аралашмай турибди.

— Биз учун хазинанинг кимга тегишли эканлиги муҳим эмас, — дейишмоқда улар. — Муҳими, бу ноёб бойликни одамлар кўриш имкониятига эга бўлсинлар...

Хориж матбуоти хабарлари асосида Р.МУҲАММАДИЕВ

Ўн етти-ю ўн етти

Ўн етти-ю ўн етти,
Ўн еттига ким етди?
Кечаги қизалоқнинг,
Бўйи онага етди.

Ўн етти ёш ўғлоннинг
Сабза урди мўйлови.
Овозлари дўриллаб,
Ўзгарди-ё сўйлари.

Тутиб олар ўзини,
Катта очиб кўзини.
Энди пойлай бошлайди
Йигитини, қизини.

Қарабсизки ҳадемай,
Ўсиб, ўқиб, улғайиб,
Юртга фойда келтирар,
Ўзи ҳам қолар бойиб.

Сўнг тўйлари бўлади,
Турмуш қурар созгина.
Ҳаёти йўлга тушиб,
Фарзанд кўрар бўзгина.

Ҳа, ҳаётда қонун шу —
Ёшлар ўсса бақувват.
Юрти бўлар обод, тинч,
Қувноқ яшар эл-элат.

Жўрақул ЙЎЛДОШЕВ

«Пахтакор»нинг йирик ғалабаси

Москвада ўтаётган «Ҳамдўстлик кубоги» гуруҳ баҳсларининг биринчи турида Россия чемпиони «Рубин» билан дуранг (1:1) ўйнаган Тошкентнинг «Пахтакор» клуби навбатдаги учрашувда Арманистон чемпиони «Арарат»ни 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Арманлар дарвозасига голларни Александр Гейнрих, Уче Ихеруоме, Одил Аҳмедов ва Фарҳод Тожиевлар киритишди.

«А» гуруҳидаги қолган ўйинлар натижаси билан танишинг: «Рубин» — «Актобе» — 0:2, «Арарат» — «Актобе» — 1:3.

3-тур (20 январ): «Пахтакор» — «Актобе», «Рубин» — «Арарат».

Иккинчи турдан сўнг «А» гуруҳида Қозоғистон чемпиони «Актобе» жамоаси 6 очко билан пешқадамлик қилмоқда. «Пахтакор»да эса 4 очко мавжуд. Гуруҳдан чиқиши учун Виктор Жалилов шогирдларини учинчи турда дуранг натижа ҳам қаноатлантиради.

■ Руҳият маънаралари

«Дўст топиш осонми?»

Қуйидаги саволларга «ҳа», «баъзан», «йўқ» жавобларидан бирини беринг.

1. Дўстингиз қачондир панд берганми?
2. Ўзингизни одамларни яхши биладиган киши деб ҳисоблайсизми?
3. Саёҳатларга чиқишни, турли хушманзара жойларни кезишни яхши кўрасизми?
4. Кўпчиликни (кўпчилик даврасида бўлишни) ёқтирасизми?
5. Маҳаллангиз, кўчангизда яшайдиганларнинг ҳаммасини танийсизми?
6. «Ҳайвонлар - одамларларнинг энг яхши дўстларидир». Бу фикрга қандай қарайсиз?
7. «Бошингга тушкунлик тушганда, сени ҳатто дўстинг ҳам ташлаб кетади». Бу фикрга-чи?
8. «Дўстликдан фойда йўқ». Бу баҳсталаб фикрга муносабатингиз?
9. Дўстлардан кўп нарсани талаб қилиш керак эмас, деб ҳисоблайсизми?
10. Ўзингизни дўстлар қанча кўп бўлса, шунча яхши деб фикрловчилар тоифасиданман деб ҳисоблайсизми?

Энди жавобларингизни текшириб кўринг:

1, 3, 6, 7, 8, 10-саволларга йўқ, 2, 4, 5, 9-саволларга ҳа деб жавоб берган бўлсангиз, мос келган жавоб учун 10 баллдан баҳо беринг. Натижада, тўпланган баллар воситасида уч тоифа ажралиб кўринади: 30 баллгача; 31-60 баллар ва 61 дан кўп.

30 баллгача — бу шахс учун дўст орттириш анча қийинчилик билан кечади. Уларга тавсиямиз: «Одамларга ишонинг!»

31-60 баллар — бу шахс бошқаларни яхши билади ва уларнинг дўстлигини қозона олади. Бу кишининг дўстлари бор, уларга ишонади ва уларга ҳеч қачон панд бермайди. Ҳаётда омади келмаса ҳам, бундан хафа бўлмайди, чунки бебаҳо дўстлари бор.

61 баллдан кўп — дўстларни топиш бу шахс учун муаммо эмас. Бу кишининг дўстлари шунчалик кўпки, санаб саноғига етиш мушкул. Бу шахс уларни осонгина топа олади, лекин эҳтимолларга кўра, уларга осонгина хиёнат қилиб, тезда йўқотиши мумкин. Шунинг учун бу одамнинг дўстликка жиддий ёндашиши талаб этилади.

■ Футбол

Биз финалдамиз!

Қатардаги «Дўстлик» халқаро турнирининг ярим финалида японияликлар устидан 3:2 ҳисобида ғалаба қозонган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси финалга чиқди. Бугун Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари ҳал қилувчи баҳсда майдон эгаларини 2:0 ҳисобида доғда қолдирган Сурия олимпия терма жамоаси билан куч синашади.

Япония билан бўлган ўйиннинг 18-дақиқасида Фозил Мусаев ҳисобни очган бўлса, иккинчи бўлимнинг 58-дақиқасида Тома Такефуми ҳисобни тенглаштирди. Шундан сўнг кўп ўтмай жамоа сардори Шерзод Каримов яна ўзбекистонликларни олдинга олиб чиқди. 79-дақиқада Кенжа Тўраев учинчи голни киритди — 3:1. Гарчи Кётоке Хироше ҳисобни қисқартиришга муваффақ бўлса-да, бундан ортиғига японларнинг кучи етмади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Миржалол Қосимов ҳам Дохада терма жамоа ўйинларини кузатди. Қосимов, режага кўра, гуруҳ баҳслари якунлангач ортга қайтди ва ЎФФ матбуот хизматига интервю берди.

— Ёшлар терма жамоасининг гуруҳдаги барча ўйинини кузатдим ва йигитлар менда илиқ таассурот қолдирди. Тўғри, таътилдан кейин ҳали ҳамма футболчилар оптимал формага кириб улгармаган. Лекин шунга қарамай, жамоа анча интизомли ва иродали ўйин намойиш қилди. Миллий терма жамоага номзод футболчилар ҳозир ёшлар термасининг асосий фигуралари эканлиги яққол сезилиб турибди. Айниқса, Малайзияга қарши кечган 2-тур учрашувида бу нарса кўзга ташланди. Фозил Мусаев, Шерзод Каримов ва Кенжа Тўраев майдонга тушгач, жамоа ўйинида бурилиш ясалди. Хабарингиз бор, Мусаев, Каримов ва Тўхтахўжаев каби ёшларимиз миллий терма жамоа кўригига жалб қилинган. Энди улар сафига иқтидорли ярим ҳимоячи Суннат Мамадалиевни ҳам қўшишга қарор қилдик.

Миллий терма жамоанинг режалари хусусида гапирадиган бўлсам, 21 январда БААга жўнаб кетамиз. У ерда 28 январ куни БААга қарши ўйиндан ташқари яна учта ўртоқлик учрашувини ҳам режалаштирганмиз.

Акмал АБДИЕВ тайёрлади

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ
O'K.U.F. F.T.U.U.
ОЛИЙ БАХТ

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Ma`mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AllAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat — 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e`lonlar — 256-03-90

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko`rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: A.Qodirova
Navbatchi: A. Abdiyev
Musahhih: N.Mahamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchilar: H.Abdujalilov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h)- Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 20.00

Буюртма Г — 15

19869 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

256